

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 43-ҳадис

43- وَعَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: لَمْ يَكُنْ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَاحِشًا وَلَا مُتَفَحِّشًا، وَكَانَ يُقُولُ: «إِنَّ مِنْ خَيَارِكُمْ أَحْسَنَكُمْ أَخْلَاقًا». مُتَّفَقُ عَلَيْهِ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анхұмодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳш сўзловчи ҳам, фаҳш сўзлашга уринувчи ҳам эмасдилар. У зот: **«Энг яхшиларингиз - ахлоқи гўзалроғингиздир!»** дер эдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Расулуллоҳ с.а.в. инсонлар учун гўзал намуна эдилар. У зот қалблари ва нафсларини мўминларга ва хатто мўмин бўлмаганларга ҳам меҳрибонлик қилардилар, мулойимлик илиа муносабатда бўлардилар. Ундан ташқари жамодот, наботот ва ҳайвонот оламига ҳам меҳрибон ва шафқатли эдилар. Ҳар бир мусулмон эркак ва муслима аёл Расулуллоҳ с.а.в.га эргашиши лозим бўлган нарса- гўзал хулқ, мулойим қалб, одамлар билан хушмуомалалик ва одобдир. Мана шу сифатлар билан инсондаги иймон мукаммал ўrnashadi. Шу каби хулқлар орқали мўмин киши Аллоҳ ҳамда Расулига яқин бўлади.

Ҳадисдан ўргангандаримиз

1. Гўзал хулқ мусулмон кишига хос сифатлариданdir.
2. Расулуллоҳ с.а.в.нинг ҳаётлик пайтларида оғизларидан бирор марта фаҳш ёки хунук сўз чиқмаган.
3. Гўзал хулқлилик орқали Исломда яхши одам деган шарафга муюссар бўлинади.
4. Мусулмон киши сўкиб ҳақорат қилинса, у ҳам шундай жавоб қайтармасликка, балки тилини тийиб, сабр қилишга буюрилган.
5. Агар сизни бирор киши сўкса, унга: "Аллоҳ сени кечирсин", деб айтинг.



NUBUVVAT MARVARIDLARI